


“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Наманган ҲЭТК” АЖ

Бош директор

Ж.Халилов



« 03 » 2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 02 апрелдаги ПҚ 5048 сонли «ОБОД ҚИШЛОҚ» ВА «ОБОД МАҲАЛЛА» ДАСТУРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Жамиятнинг тасарруфидаги ТТ ва ТМИЧХ цехида опора ишлаб чиқариш учун ювилган кум ва щебень махсулотларини Наманган вилоят ҳудудлари буйлаб етказиб берувчи корхонани танлаб олиш учун

## ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

### 1. Умумий маълумотлар

- 1.1 . Буюртмачи “Наманган ҲЭТК” АЖ
- Ташкилий-ҳуқуқий шакли Акциядорлик жамияти
- Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти,  
Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 8-уй
- Бош директор: Ж. Халилов
- 1.2. “Наманган ҲЭТК” АЖнинг тендер комиссияси томонидан ижрочи-тадбиркорлик субъекти аниқланади.
- 1.3. Танловнинг максимал қиймати: жами кўрсатилган хизмат учун 839 325 000 сўмни ташкил этиб, танлов таклифида кўрсатилган нархлар максимал нархдан ошмаслиги керак.
- 1.4. Буюртмачи томонидан талаб қилинадиган хизматлар тури техник топшириқ иловада келтирилган.

### 2. Танлов мақсади.

2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 02 апрелдаги ПҚ 5048 сонли «ОБОД ҚИШЛОҚ» ВА «ОБОД МАҲАЛЛА» ДАСТУРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Жамиятнинг тасарруфидаги ТТ ва ТМИЧХ цехида опора ишлаб чиқариш учун ювилган кум 4825 m<sup>3</sup> ва щебень 6300 m<sup>3</sup> махсулотларини Наманган вилоят ҳудудлари буйлаб етказиб берувчи корхонани танлаб олиш

### **3. Танлов иштирокчилари.**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай юридик шахс, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари ҳам иштирок этиши мумкин. 4.4.-бандда келтирилган тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно.

### **4. Ижрочига бўлган талаб.**

4.1. Ижрочи давлат рўйхатидан ўтган, мазкур хизматни кўрсатиш бўйича тегишли рухсатномага эга бўлиши, Наманган вилоятида жойлашган буюртмачининг тегишли объектларида ишлаш иш ташкил қилиши лозим.

4.2. Ижрочи кўрсатиладиган хизматни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаши лозим.

4.3. Иштирокчи танловда иштирок этиш учун, танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ қуйидаги ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиши лозим:

- Ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия нусхаси;
- Ташкилот устави(барчаўзгартириш ва қўшимчалар билан) нусхаси;
- Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
- Ишлаб чиқарувчи ташкилотнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчининг мажбуриятлари кучга кирганлигини тасдиқловчи суғурта полиси нусхаси;
- Ишлаб чиқариш ҳамда экспертиза ишининг бажарилиш муддати ва хизмат ҳақи миқдори кўрсатилган тижорат таклифи;
- Лицензияловчи орган томонидан берилган ишлаб чиқарувчи ташкилоти раҳбари ва баҳоловчиларнинг малака сертификати нусхаси.

4.4. Қуйидаги тадбиркорлик субъектларига танловда иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган;
- солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган.

4.5. Иштирокчи қуйидаги ҳолларда танловдан четлаштирилади:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита буюртмачининг танловда иштирокчиларни танлашда масъул бўлган шахслар билан ноқонуний келишувлар орқали қарор натижасини ўз фойдасига ҳал қилиниши учун таъсир ўтказувчи ҳаракатларни амалга оширилганда;
- иштирокчининг қонунчиликка зид бўлган адолатсиз рақобат ёки афзалликларга эга бўлса.

### **5. Бошқа шартлар.**

5.1. Тўлов шартлари: Ижрочи томонидан кўрсатилган хизмат бўйича ҳар ойнинг 5 санасига қадар ўтган ой учун ҳисоб-варақ фактура тақдим этилиши лозим.

5.2. Буюртмачи томонидан тўловлар, ҳисоб-варақ фактура тақдим этилган санадан бошлаб 3 ой давомида амалга оширилади.

## Кўрсатилиши лозим бўлган хизмат

Хизмат тури	Хизмат сони
<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 02 апрелдаги ПҚ 5048 сонли «ОБОД ҚИШЛОҚ» ВА «ОБОД МАҲАЛЛА» ДАСТУРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Жамиятнинг тасарруфидаги ТТ ва ТМИЧХ цеҳида опора ишлаб чиқариш учун ювилган кум ва щебень махсулотларини Наманган вилоят худудлари буйлаб етказиб берувчи корхонани танлаб олиш учун</p>	<p>Махсулот етказиб бериш</p>